*Шундайлар бор бўлсин!*

# «ОМОН БЎЛИНГ, ОЙҚИЗИМ!»

Халқимизда буғдой нонинг бўлмаса ҳам буғдой сўзинг бўлсин, — деган ҳикматли гап бор. Зоҳидахон Акрамова ана шундай ўзининг хушмуомаласи билан кишилар қалбига йўл топа оладиганлар сирасига киради. У кўп йиллардан буён вилоят ички ишлар бошқармаси Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бўлимида нозир бўлиб хизмат қилади. Милиция капитани Зоҳидахонга бу касбга қизиқиш отасидан «юққан» дейиш мумкин. Боиси, унинг отаси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ғофуржон ака Раҳимов қимматли умрининг 45 йилини милиция ҳаётига, юрт осойишталигини сақлашга бахшида этган инсон. У киши илгари қатор ички ишлар идораларида турли лавозимларда, кейинчалик Андижон ва Бухоро вилоятлари ИИБлари бошлиғи, Ички ишлар вазирининг биринчи муовини бўлиб хизмат қилди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Марказига раҳбарлик қилади.



— Ҳаётим давомида, — дейди биз билан суҳбатда Зоҳидахон. — Дадамнинг ўгитларига қулоқ тутиб, у кишининг насиҳатларидан хулоса чиқариб яшаб, хизмат қилиб кам бўлганим йўқ. Отам ҳар доим бизга: «Раҳбарларнинг, устозларнинг тўғри кўрсатмаларини қалбига сингдириб борган шогирд ҳеч қачон кам бўлмайди», — дейдилар.

Чиндан ҳам Зоҳидахоннинг одоб-ахлоқи, хизматда ўзини тутиш маданиятини кузатганда унинг яхши оилада, яхши жамоада тарбия топганлигига амин бўласиз. Зоҳидахоннинг таъкидлашича, одамлар оғирини енгил қилиш, ташвишу қувончларига шерик бўлиш унинг учун бахт. Шу кунларда у ва у хизмат қилаётган жамоа бутун дунё мусулмонларига орзу бўлган Ҳаж ва Умра сафарларига отланаётган фуқароларнинг ҳужжатларини расмийлаштирмоқдалар. Мусулмончиликнинг фарзларидан бири саналмиш Ҳаж ва Умра сафарларига ўзларида имконият топиб отланаётган фуқароларга қўли-қўлига тегмай хизмат қилаётган чеҳраси ёқимли бу аёлга қараб: «Омон бўлинг, ойқизим!» дейишади.

**Умида ЙЎЛЧИЕВА.**

**СУРАТДА: Андижон вилоят ИИБ ХЧК ва ФБ нозири Зоҳидахон Акрамова.**

**Б. КЛЕЙМАН олган сурат.**

## *ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН*

ФАРҒОНА. Фарғона шаҳри Охунбобоев мавзеси орқали ўтган айланма йўл четидан номаълум шахснинг пичоқлаб ўлдирилган жасади топилди ва шахси аниқланди. У Шевченко кўчаси, 99-уйда яшаган, 1974 йилда туғилган Б. Мамажонов бўлиб чиқди. Кўп ўтмай бу жиноятни содир этган шахс ҳам аниқланиб, қўлга олинди. Қотил Фарғона тўқимачилик комбинати ишчиси, муқаддам судаланган В. К. бўлиб чиқди.

ТОШКЕНТ. Юқоричирчиқ туманидаги Дўстлик жамоа хўжалигида яшовчи Александр Каннинг хонадонига юзларига ниқоб кийган шахслар бостириб кириб, қирқма милтиқ ва тўппончага ўхшаш жисм билан қўрқитиб, 60.000 сўм пул, 4.000 АҚШ доллари ҳамда тўрт турдаги сариқ металлдан ясалган заргарлик буюмларини тортиб олиб, жуфтакни ростлаганлар.

Жиноятни содир этган шахслар аниқланиб, ҳибсга олиндилар. Улар шу жамоа хўжалигида яшовчи, 1958 йилда туғилган Л. Веларий ва 1966 йилда туғилган В. Рийлар экан. Улардан ашёвий далил сифатида 7 дона ўқлари билан кичик калибрли қўлбола қирқма милтиқ, газли тўппонча ва тилла тақинчоқлар олинди.

СИРДАРЁ. Қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам ошкор бўлади, деганлари рост экан. Яқинда Боёвут тумани ИИБ ходимлари навбатдаги тезкор тадбирни ўтказдилар. Унда Қашқадарё вилоятининг Муборак тумани, Қорақум қишлоғида яшовчи (аввал Н. Маҳмудов номли жамоа хўжалигида яшаган), ҳеч қаерда ишламайдиган, 1968 йилда туғилган Ф. Ш. 1991 йил 27 декабрь соат 23.00 да Боёвут туманидаги Н. Маҳмудов номли жамоа хўжалигида яшовчи, 1965 йилда туғилган И. Д. билан ўзаро жиноий тил бириктириб, ўзининг акаси, шу хўжаликда яшаган (1992 йил 17 апрелдан буён бедарак йўқолганлиги учун қидирувда бўлган), 1964 йилда туғилган Э. Шойимардоновни бўғиб ўлдириб, Хавос туманидаги Навбаҳор жамоа хўжалиги ҳудудидан ўтувчи зовурга кўмиб ташлаганликлари аниқланди. Марҳумнинг жасади топилди.

НАВОИЙ. Хатирчи туманидаги А. Ҳалимов номли жамоа хўжалиги ҳудудида икки номаълум шахс 1980 йилда туғилган Т. Намозовни қўрқитиб, спорт костюми ва 75 сўм пулини тортиб олганлар.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида бу жиноятни содир этган шахслар аниқланиб, қўлга олинди. Улар Ш. Рашидов жамоа хўжалигида яшовчи М. Х. ва Ў. Ў.лар эканлар.

СУРХОНДАРЁ. Олтинсой тумани ИИБ ходимлари навбатдаги тезкор тадбирда Оқолтин жамоа хўжалигида яшовчи, шу хўжалик шифокори, 1940 йилда туғилган Ж. У.нинг хонадонидан ИИБда рўйхатда бўлмаган «ТОЗ-8» русумли милтиқ топиб олдилар.

## «01» ХАБАРЛАРИ

- Олтинсой тумани, Пахтакор жамоа хўжалигида жойлашган пахта сақлаш пунктида электр кабелидаги қисқа туташув сабабли ёнғин содир бўлган.
- Баҳористон туманида жойлашган Қарши пахта тозалаш заводига қарашли «Помуқ» пахта қабул қилиш пунктида ҳам ёнғин электр симининг қисқа туташуви натижасида содир бўлган.
- Жарқўрғон тумани, Н. Боймуродов жамоа хўжалигида яшовчи П. Шоимов хонадонида электр симининг қисқа туташуви оқибатида ёнғин содир бўлиб, уй эгасига 30 минг сўмдан зиёд моддий зарар етказди.
- Тўрақўрғон тумани, Бураматут жамоа хўжалиги, Беруний кўчаси 36-уйда истиқомат қилувчи С. Абдуҳафизова катталар томонидан назоратсиз қолганлиги туфайли сандалга тушиб кетиб, тан жароҳати олган.
- Гўзалкент тумани Ўзбекистон жамоа хўжалиги Жума пахта қабул қилиш пунктидаги РБХ-20 агрегатининг электр симлари қисқа туташуви оқибатида ёнғин содир бўлган.
- Чирчиқ шаҳар, 8-кичик туманда жойлашган Ш. Эргашевга қарашли дўкончада электр иситгич ёқилган ҳолда қолдирилганидан ёнғин содир бўлган. Ёнғин натижасида дўкончанинг ички қопламаси ёниб кетган. Дўкончадан А. Жўлқинбоев ва М. Жўлқинбоеваларнинг батамом ёнган жасадлари топилган.
- Яна шу шаҳарда Соли Адашев кўчаси 18-уйда яшовчи 1985 йил туғилган Х. Обидованинг газ плитасидан нотўғри фойдаланиши сабабли юзи, иккала тирсаги ва панжалари 2-3 даражали 15-18 фоиз куйиб, шифохонага ётқизилган.

**Ф. БОБОХЎЖАЕВ, ички хизмат капитани.**

# САЛОМАТЛИГИМИЗГА ЎЗИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

**Деҳқон ТЎРАНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Республика санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи — Бош санитария шифокори, тиббий хизмат полковниги.**

Тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино агар ер юзида чанг ва ғуборлар бўлмаганда эди, инсон минг йил умр кўрарди, деган. Чунки ифлос, нотоза жойлар касалликлар манбаи, касаллик эса умр заволидир. Кейинги пайтларда, умуман, ер юзида турли хилдаги ўткир юқумли хасталикларнинг кўпайиб бораётгани, бунинг натижасида минглаб кишиларнинг, айниқса, ёш болаларнинг ёруғ дунёдан кўз юмишларига сабаб бўлмоқда.

Ҳар қандай юқумли касалликларнинг микроблари, асосан, сув, ҳаво ёки бемор ишлатган буюм, идиш ва бошқа нарсалардан иккинчи кишига юқади ва шу тариқа атрофга тарқала бошлайди. Шунингдек, атроф-муҳитдаги санитария-эпидемиология ҳолатларининг ёмонлашуви ҳам юқумли касалликларнинг тезда тарқалиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шу боис ҳам санитария-эпидемиология хизматига эътибор ва талаб анча кучайтирилди.

Маълумки, ўтган йилнинг охирларигача вазирлигимизда санитария-эпидемиология хизматига Тиббиёт бошқармасининг бошлиғи бевосита раҳбарлик қилиши билан бирга хизмат бошлиғи, бош санитария шифокори вазифасини ҳам бажарарди. Жорий йилнинг бошида вазирлик Ҳайъатининг қарорига биноан тизимда санитария-эпидемиология хизматининг вазифалари қайта кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонунига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига қарашли ташкилотларда «Идоравий санитария назорати тўғрисидаги Низом» янги қоидалар билан тўлдирилиб, бажариладиган ишлар кўлами оширилиб, аниқ белгилаб берилди.

Низомга мувофиқ хизматимизнинг асосий вазифаси, лўнда қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги барча идоралар, ташкилотлар, муассасалар, ҳарбий қисмларда санитария-эпидемиология ва санитария-гигиена ҳолатларини назорат қилишдан иборат. Албатта қуйи идоралардаги тармоқ хизматнинг фаолиятини бошқариш, ташкиллаштириш, йўл-йўриқ кўрсатиш ҳам асосий вазифамизга киради.

Шу йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Ўтган йилнинг охири ва жорий йилнинг бошларида республикамизда ўткир юқумли гепатит касаллиги тезда кўпайиб кетди. Олиб борилган текширувлар ва таҳлиллар шуни кўрсатдики, республикамизнинг қатор вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ана шу даврда санитария-эпидемиология ва санитария-гигиена аҳволи ёмонлашиб кетган. Жойларда ахлатларнинг ўз вақтида олиб кетилмаслиги, турар жойларда ҳафталаб ахлат уюмларининг сочилиб, атрофни булғаб ётиши касаллик келтириб чиқарувчи микробларнинг ривожланишига ва тезда тарқалишига олиб келган. Ходимларимиз билан вилоятларда бўлиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вакиллари билан биргаликда жойларда бу касалликнинг олдини олиш ва кенг тарқалиб кетмаслик чораларини кўришда фаол иштирок этдик. Умуман республикамизда ҳар қандай юқумли касалликлар тарқалишининг хавфи туғилса, мамлакатдаги барча санитария-эпидемиология хизматлари баравар ҳаракат қилиб, унинг тарқалмаслиги учун кураш олиб боради.

Шу ўринда санитария хизматини кўпчилик тор маънода тушунишини айтиб ўтмоқчиман. Санитария хизмати кўпчилик назаридаги тиббиётнинг кичик бир бўлаги эмас, балки жамиятимиздаги энг зарур бўлган, озиқ-овқат саноати, умумий овқатланиш, маиший хизмат, коммунал хўжалигининг вазифалари билан боғлиқ бўлган хизматларнинг умумий ҳосиласини назорат қилувчи ташкилотдир. Тиббиёт муассасаларининг ходимлари касалликни даволашади. Санитария хизмати эса касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш учун курашади. Касаллик пайдо бўлиши ва тарқалиши мумкин бўлган жойларни назоратда ушлайди.

Қўшни республикаларда ва чет элларда пайдо бўлган юқумли касалликларнинг республикамизга кириб келиши ва тарқалиши эҳтимолдан холи эмас. Республикамизга ҳар куни хорижий давлатлардан юзлаб меҳмонлар, ишбилармонлар, сайёҳлар келиб-кетиб турибди. Улар билан бирга касаллик вируслари ҳам келиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим. Ундан ташқари касаллик вируслари самолёт, вагон, автомашиналарда келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат моллари, технологиялар, асбоб-ускуналарда ҳам келишига шубҳа йўқ.

Ўтган йили Тожикистон Республикасида бўғма ва ич терлама касаллиги тарқалганди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўрсатмаси бўйича чегара ҳудудлари тезда изоляцияланиб, аҳоли ўртасида бу касалликларнинг тарқалмаслиги учун тиббий чора-тадбирлар кўрилди. Ёппасига эмлаш ўтказилгани боис, республикамизда бу касалликлар умуман қайд этилмади.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, ҳар қандай касаллик атроф-муҳитнинг ифлосланиши, санитария-гигиена қоидаларининг бузилиши оқибатида келиб чиқади ва тарқалади. Бу борада Ички ишлар вазирлиги тизимидаги айрим идоралар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳам санитария-эпидемиология ҳолати кўнгилдагидек деб бўлмайди. Ўтказилган текширувларда Андижон, Бухоро, Тошкент вилоятларида аҳвол бир мунча яхши. Бироқ, Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида талаб даражасидан анча йироқ. Жамиятда ўрнак бўладиган, фуқаролардан қонун-қоидаларга риоя этишни талаб қиладиган айрим ички ишлар идораларида милиция ходимларининг ишлаш, овқатланиш ва дам олиш жойларида санитария-гигиена аҳволининг ёмон ҳолатда эканлигини қай сўз билан ифодалаш мумкин? Чекка туманларда айниқса, ачинарли аҳволга дуч келасиз. ИИБ биносининг атрофи тозаланмаган, хоналарга йиллаб бўёқ тегмаган, поллар синиб, очилиб ётибди. Ходимларнинг дам олиш хоналари чанг, овқатланиш жойлари санитария талабидан йироқ, ҳаммаёқда пашшалар ҳукмрон. «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонда санитария-эпидемиология ва санитария-гигиена ҳолатларини ёмонлашувига сабабчи бўлган мутасадди раҳбарларга кескин маъмурий чоралар кўриш кўрсатиб ўтилган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бир неча марта санитария қоидаларига риоя этмаган, кўрилган маъмурий чоралардан тегишли хулоса чиқармай, лоқайдлик ва эътиборсизликни давом эттирган шахслар, мансабдор кишилар иши прокуратура идораларига оширилади. Санитария хизмати вакилларининг, ходимларининг ишига аралашиб, мансаби ёки вазифасини пеш қиладиган кишиларга ҳам тегишли жазо белгиланган.

Ходимларимиз томонидан ўтказилган текширувлар натижаларига кўра ИИВ марказий аппаратининг ошхонаси, Ички қўшинлар бошқармаси қисмларидан бирига хизмат кўрсатадиган савдо дўкони вақтинча ёпиб қўйилди. Сабабини изоҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Санитария тартиб-қоидаларига риоя этмаган ва эътиборсизлик қилган мансабдор шахсларга ҳам зарур чоралар кўрилди.

Хизматимиз фақат текшириш ва чора кўришдан иборат эмаслигини эслатиб ўтгандим. Тиббиётда касалнинг олдини олиш афзал, деб қаралади. Жойларда санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш ва доимий назорат қилиш мақсадида зарур тадбирлар кенг кўламда ўтказилмоқда. Айниқса, чегара туманларда Соғлиқни сақлаш, Мудофаа вазирликлари билан биргаликда амалий ишлар қилинмоқда. Бир қатор жойларга назорат постлари ўрнатилган. Бундан ташқари аэропорт, темир йўл ва автовокзалларда ҳам тез-тез текширувлар ўтказилиб турибди.

Ўз навбатида йирик шаҳар ва туманларда ташкил этилган милиция санитария хизматларининг бизга бераётган ёрдамларини ҳам айтиб ўтиш лозим. Тошкент шаҳридаги бир қатор туманларда маҳаллий бюджет ҳисобига санитария назорати хизматлари ташкил этилган. Бу хизматлар аҳоли турар жойлари, маҳаллалар, гузарлар, савдо, овқатланиш муассасалари ва бозорлардаги санитария-гигиена ҳолатларини назорат қилади. Бу хизматлар ҳам, асосан, жойларда тозалик ва озодаликка эришиш учун кураш олиб боради. Ўз-ўзидан маълумки, тозалик ва озодаликка эришиш, турли хил касалликларнинг олдини олиш демакдир. Шу ўринда Чилонзор тумани ИИБ санитария назорати бўлинмаси ходимларининг туманда санитария-гигиена ҳолатини яхшилашда ибратли ишлар қилаётганликларини айтиб ўтиш жоиз.

Эл соғлиги — юрт бойлиги, деб бежиз айтишмайди. Соғлом кишиларнинг иши унумли бўлади, унга ҳар қандай вазифани топшириш мумкин. Шунинг учун ҳам биз асосий эътиборни жойларда санитария-эпидемиология, санитария-гигиена ҳолатларининг талаб даражасида бўлиши, ички ишлар ходимлари ва, умуман, республикамиз фуқаролари ўртасида турли хил юқумли касалликларнинг тарқалмаслиги учун курашга қаратганмиз. Зеро, бу юксалиш сари дадил одимлаётган мамлакатимиз учун жуда зарурдир.

